«КЕЛИШИЛДИ»
Ўзбекистон Республикаси
Коррупцияга қарши курашиш агентлиги
директори
_____________ А.Э. Бурханов

2025 йил «4» январь

«КЕЛИШИЛДИ»
Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазири
_____________ П.Р. Бобожонов

2025 йил «4» январь

**Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамкорлигида 2025 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар**
**ДАСТУРИ**

| № | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Коррупцияга оид жиноятчилик ҳолатини таҳлил қилиш, келгусидаги чора-тадбирларни белгилаш юзасидан криминологик тадқиқотлар ўтказиш ҳамда Агентлик ва Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти ўртасида ҳамкорлик ишларини йўлга қўйиш. | 1. Агентлик ўзининг ойлик, чораклик ва йиллик ҳисоботларини Криминология тадқиқот институтига "Жиноятчилик тенденциялари ва Жиноятчилик омиллари давлат ҳисоботлари"ни тайёрлашда фойдаланиш учун тақдим этиб бориш.<br>2. Агентлик томонидан коррупцияга қарши курашиш йўналишида олиб борилаётган тадқиқот ишлари (таҳлилий ҳужжатлар, ўрганишлар, социологик сўров ва бошқалар маълумотлар) натижаларини Криминология тадқиқот институтига илмий-тадқиқот ишлари ва республикада криминоген вазиятни яхшилаш мақсадида амалга ошириладиган чора-тадбирларни белгилашда фойдаланиш учун тақдим этиб бориш.<br>3. Агентлик томонидан республикада коррупциявий жиноятларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш йўналишида Криминология тадқиқот институтига ҳар йили битта криминология соҳасида буюртма асосидаги илмий-амалий тадқиқот лойиҳаларини бажариш | Ҳар чоракда | Ички ишлар вазирлиги (ММИваКБТД ТЖТЕБ, КТИ ва Академия)<br><br>Коррупцияга қарши курашиш агентлиги |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | бўйича буюртма бериш амалиётини йўлга қўйиш.<br>**4.** Агентлик томонидан Ички ишлар органлари ходимларини ҳар йили ўтказиладиган халқаро форум ҳамда республика илмий-амалий конференцияларида мунтазам иштирок этишини таъминлаш.<br>**5.** Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти ва ИИВ Академияси томонидан ўтказиладиган коррупцияга оид жиноятчилик ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда унинг олдини олишга қаратилган тавсиявий йиллик илмий-тадқиқот мавзуларини шакллантириш.<br>**6.** Амалга оширилган ва оширилаётган илмий-тадқиқот мавзулари, тадқиқотчилар тўғрисида реестрни шакллантириш ва доимий янгилаб бориш.<br>**7.** Коррупцияга қарши курашиш ва олдини олиш мавзусида амалга оширилган илмий-тадқиқотлар натижаларини Агентликка тақдим этиб бориш. | | |
| **2.** | Агентлик ходимларининг амалий билим ва кўникмаларини ошириш. | Агентлик ходимларига “Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика” ягона ахборот тизимидан коррупцияга оид жиноятлар бўйича статистик маълумотларни олиш, таҳлил қилиш ва кибержиноятчилик бўйича машғулотлар ўтказиш. | келишув асосида | Ички ишлар вазирлиги<br><br>Коррупцияга қарши курашиш агентлиги |
| **3.** | Агентлик ходимлари иштирокида ички ишлар органларида коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратишга масъул бўлган раҳбар ва ходимлар малакасини ошириш.<br>Ҳамкорликда амалга оширилган ишларни оммавий ахборот воситаларида ҳамда томонларнинг расмий веб-сайтларида кенг ёритилишини таъминлаш | **1.** Таркибий тузилмалар ҳамда ҳудудий ички ишлар органларида тузилган ишчи гуруҳ аъзоларининг билим кўникмаларини ошириш, коррупцияга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан ҳамкорликда вазирлик Академиясида қисқа муддатли ўқув-семинар машғулотини ўтказиш; | 2025 йил апрель | Коррупцияга қарши курашиш агентлиги<br><br>Ички ишлар вазирлиги (ММИваКБТД ТЖТЕБ, ЖваОАВБАБ, Коррупцияга қарши курашиш комиссияси) |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | **2.** ИИВ Академияси курсантлари, ИИВ Малака ошириш институти тингловчилари, ИИВ Академик лицейлар ҳамда Ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқувчилари учун Агентлик ходимлари томонидан ўқув машғулотлари ўтказиш.<br>**3.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрь кунидаги “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 829-сонли қарори мазмун-моҳияти юзасидан ҳамкорликда видеороликлар тайёрлаш ва аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш<br>**4.** Давра суҳбатлари, семинар ва тренинглар ташкил қилиш.<br>Коррупцияга қарши курашиш соҳасида тайёрланган ахборотларни ўзаро алмашиш. | 2025 йил май<br>келишув асосида<br>Ҳар олти ойда | Ҳудудий ИИОлар |
| **4.** | Коррупцияга қарши курашиш ҳамда коррупциявий жиноятлар юзасидан статистик маълумотларни юритиш, ўзаро ахборот алмашиш. | Коррупцияга қарши курашиш ҳамда коррупциявий жиноятлар юзасидан статистик маълумотларни юритиш жараёнини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш. | 2025 июнь | Коррупцияга қарши курашиш агентлиги<br>Ички ишлар вазирлиги (ҲСваТҲММ) |
| **5.** | Коррупцияга қарши курашишда аҳолини огоҳликка чақириш юзасидан пора бериш, олиш ва воситачилик қилиш жиноят эканлигини ҳамда унинг салбий оқибатлари ҳақида кенг тарғибот ишларини амалга ошириш. | Пора бериш, олиш ва воситачилик қилиш жиноят эканлигини ҳамда унинг салбий оқибатларини ўзида акс эттирувчи тарғибот материал (анонс хабар, мақола, интервью, видеоролик, кўрсатув ва бошқа)ларни тайёрлаб, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали кенг жамоатчиликка етказиш. | 2025 йил ҳар чоракда | Ички ишлар вазирлиги (ЖваОАВБАБ)<br>Коррупцияга қарши курашиш агентлиги |
| 6. | Коррупцияга қарши курашиш мавзусига оид видео, босма ва электрон кўринишдаги материалларни тайёрлаш ҳамда расмий веб-сайтларга ахборот ва маълумотларни жойлаштириб бориш. | **1.** Коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишларни расмий веб-сайтдаги “Коррупцияга қарши кураш” рукни орқали ёритиш ва маълумотларни янгилаб бориш;<br>Шунингдек, коррупцияга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида тўлиқ маълумотларни киритиб, янгилаб бориш, бунда: | 2025 йил ҳар чоракда | Ички ишлар вазирлиги (барча соҳавий хизматлар)<br>Коррупцияга қарши курашиш агентлиги |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | а) коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидалари;<br>б) коррупцияга қарши курашиш тадбирлари ҳақидаги ҳисоботлар ва маълумотлар.<br>**2.** Ички ишлар органларида коррупцияга қарши курашиш борасидаги ишларни ёритиш мақсадида " Uzbekistan Anti-Corruption Digest" журналида мақолалар чоп этилишини ташкиллаштириш. | | Ички ишлар вазирлиги (Бирлашган таҳририяти) |
| **7.** | 2025 йил декабрь ойида "Коррупцияга қарши курашиш ҳафталиги"ни юқори савияда ўтказиш. | "9 декабрь – Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни" муносабати билан ички ишлар органлари ходимлари ўртасида коррупцияга қарши кураш йўналишида танлов ўтказиш ва ғолибларни Агентлик билан ҳамкорликда муносиб тақдирлаш. | 2025 йил ноябрь-декабрь ойларида | Ички ишлар вазирлиги (Коррупцияга қарши курашиш комиссияси)<br>Коррупцияга қарши курашиш агентлиги |
| **8.** | Ички ишлар органлари ходимлари билан боғлиқ коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш бўйича миллий мобиль алоқа операторлари томонидан фуқароларга СМС-хабарнома юбориш. | Ҳар бир абонентга "Ички ишлар органлари ходимлари билан боғлиқ коррупциявий ҳолатларга дуч келсангиз ИИВнинг 11-02 ишонч телефонига мурожаат қилинг" мазмундаги СМС-хабарнома юборилишини таъминлаш. | 2025 йил декабрь | Ички ишлар вазирлиги (Коррупцияга қарши курашиш комиссияси)<br>Коррупцияга қарши курашиш агентлиги |
| **9.** | Самарадорликни мониторинг қилиш ва баҳолаш. | Биргаликдаги фаолият натижаларини мониторинг қилиш ва баҳолаш тизимини, шу жумладан, коррупция ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даражасига таъсирини таҳлил қилиш тизимини яратиш бўйича ярим йиллик ҳисобот тайёрлаш. | 2025 йил июль, декабрь ойларида | Ишчи гуруҳ аъзолари |

**Ўзбекистон Республикаси**
**Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори ўринбосари**

**_____________ У.А. Мавлянов**

**2025 йил « 4 » январь**

18232103

**Ўзбекистон Республикаси**
**Ички ишлар вазири ўринбосари**

**_____________ Д.А. Назармухамедов**

**2025 йил « 4 » январь**

2/370